

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЭКОЛОГИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Бахрамов Файзулло Жумабой ўғли
ТДТУнинг Юриспруденция
(халқаро транспорт ҳуқуқи) йўналиши
2-босқич талабаси

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга биноан шахслар томонидан содир этилган экологик қонун бузилиш ҳолатларига нисбатан қўлланиладиган таъсир чоралари шунингдек, қонунчиликда мавжуд камчилик ва киритилиши керак бўлган норма ва таклифлардан иборат. Шунингдек юртимизда ушбу соҳада мавжуд қонунчилик ва ваколатли давлат органлари ҳақида баён этилган. ХХИ аср даврида инсоният томонидан энг катта таъсир этилаётган экологик тизим учун халқаро майдонда экотизимни сақлаб қолиш ва инсонларга келажакда хавф туғдириши мумкин бўлган талофатларни олдини олиш мақсадида айрим мамлакатларга қўлланилаётган таъсир чоралари, шунингдек глобал экологик муаммолар республикамиз аҳолисининг турмуш тарзига ҳам таъсир этиб бораётгани айтилган ҳақиқат. Мақолани ёритишда экологик ҳуқуқбузарликларнинг турлари, таркиби, белгилари ва экологик ҳуқуқий жавобгарлик турлари ҳам баён этилади.

Калит сўзлар: Экология, экологик жавобгарлик, ваколатли органлар, соҳага оид қонун ҳужжатлари, жавобгарлик, рағбатлантириш, кодекс, қонун, табиий ресурслар.

Экологик жавобгарлик тушунчаси назариётда табиатга, атроф табиий муҳитга ва мавжуд табиий ресурсларга келтириладиган ҳар қандай зарарнинг олдини олиш ҳамда уларни қоплаш юзасидан келиб чиқадиган ҳуқуқий меъёрлар ва уларга монанд келувчи ҳуқуқий муносабатларнинг иқтисодий-ҳуқуқий комплекцидан иборат дея таъкидланади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар шахсларни юридик жавобгарликка тортиш Ўзбекистон Республикасининг экологик тизими, сиёсати ҳамда барча табиий бойликларга зарар етказиш билан боғлиқ экологик қонунларга хилоф хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик жиноятларини содир этиш оқибатида юзага келади. Экологик хилоф хатти-ҳаракатлар оқибатида жамиятда кишиларнинг иқтисодий, моддий, маънавий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш натижасида келиб чиқадиган, атроф табиий муҳитга, табиат ва унинг бойликларидан

фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилишга зид, қарши бўлган хатти-ҳаракатлари оқибатларига айтилади.

Экологик қонун талаблари бузилганда амалдаги қонунларимизга мувофиқ экологик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қуйидаги:

- ма'мурий-ҳуқуқий (табiiй муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқ нормаларни бузиш);

Ушбу жавобгарлик Ўзбекистон Республикасининг «Ма'мурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекс билан тартибга солинади, қонунинг 10-моддасида «атроф-табiiй муҳитга зарар етказиш» ҳуқуқбузарлик деб топилган. Шунингдек, мазкур кодексда сув ресурслари, табиатдан фойдаланиш, табiiй ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи ва шу каби 29 та моддаларда бўлиб кодекс бўйича шахсларни жавобгарликка тортишнинг энг кичик ёши 16 ёш этиб белгиланган. Ҳуқуқбузарликлар таркибига субъект, субъектив томон, объект ва объектив томонлар киради ва экологик ҳуқуқбузарлик оқибатида табiiй ресурсларга ҳамда экологик, аграр тизимга етказилган зарар ва улар билан боғлиқ ҳолатлар асосида характерланади.

- Экология соҳасида фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш учун ушбу шартлар бўлиши керак бўлади:

- а) етказилган зарарнинг мавжудлиги;

- б) айбнинг бўлиши;

- в) ҳаракат ёки ҳаракатсизликнинг қонунга (ҳуқуққа) хилофлиги;

- г) зарар охириги зарурат ва зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, ушбу ҳолатни ҳисобга олиб, суд томонидан жазо чорасини белгилаш.

- жиноий-ҳуқуқий (экология соҳасидаги жиноятларни содир этиш). Экология соҳасида давлат бошқарув органлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти орқали табiiй ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоидалари шахслар томонидан бузилган тақдирда айбдорларни жиноий, ма'мурий ва интизомий жавобгарликка тортиш вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ёки у ишлайдиган ташкилотнинг ма'мурияти томонидан амалга оширилади, айрим қонунчиликда белгиланган ваколатларига кўра экологик назорат органлари ма'мурий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эгалар, шунингдек, суд органлари томонидан атроф табiiй муҳитга етказилган зарарни ундириш бўйича даъво аризаларини кўзғатадилар, табiiй ресурслардан фойдаланувчиларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилган чора тадбирларни амалга оширадилар.

Экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик (жиноят)лар натижасида етказилган зарар асосан икки шаклда намоён бўлади:

Биринчидан, экологик-иқтисодий жавобгарлик табиат ва атроф табiiй муҳитга етказилган, қонун билан белгиланган меъёрдан ошмаган зарари билан

белгиланиб, келтирилган зарарлар пул миқдори сўзсиз қопланиши билан намоён бўлади.

Иккинчидан, экологик-ҳуқуқий жавобгарлик мавжуд табиатни муҳофаза қилиш ва экологик қонун талаблари ҳамда меъёрларини бузганлиги, ортиқча табиий ресурслардан фойдаланиш, муҳофаза қилиш қоида-талабларини бузиш, атроф табиий муҳитни, табиатни ифлослантириш, табиий ресурслардан ноқонуний ва хўжасизларча фойдаланиш оқибатида субъеткларга юридик жавобгарлик белгилашга сабаб бўлади.

Қонунчиликда белгиланишича бир қанча далаат органлари экологик соҳада ваколатли этиб тайинланган бўлиб, уларнинг асосий мақсади ва моҳияти экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, экологик ва аграр қонунларнинг бузилишига қарши кураш ҳамда экологик қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни таъминлашдан иборат.

Республикамизда сўнгги йилларда экология ва атроф муҳит ҳимоясига берилаётган эътибор натижасида мазкур йўналиш тизимли равишда ривожланмоқда. Мустақлликнинг дастлабки йилларида қўмита сифатида фаолият бошлаган давлат органи Экология ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини такомиллаштириш ва қайта тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қарорига асосан Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилган ва ушбу қўмитанинг асосий мақсад ва вазифалари - экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича давлат миқёсидаги бошқарув, координатсия ва идоралараро муносабатларни ташкиллаштириш этиб белгиланган ва бугунги кунга келиб вазирлик даражасида яни Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги сифатида фаолият юритмоқда. Бу билан мазкур йўналишда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг VIII боби экология, атроф-муҳит ва табиатга бағишланган ҳисобланади. Боб ўз ичига 65-96-моддаларни қамраб олади. Ўзбекистон Республикасининг “Жиноят кодекси”да ҳам экология соҳасига қаратилган қонунчилик белгилаб қўйилган бўлиб, у кодекснинг XIV бобида баён этилган. Ушбу боб 193-204-моддаларни қамраб олади.

Экологик қонун талабларини бузганлик учун интизомий жавобгарликка тортишдан асосий мақсад содир этилган экологик ҳуқуқбузарлик (ножўя хатти-ҳаракат) учун моддий ва маънавий жавобгарликни белгилаш, амалдаги экологик ва аграр қонунларга риоя этиш ҳамда меҳнат интизоми ва табиатни муҳофаза қилиш тизимида қатъий риоя қилишни таъминлашдан иборатдир.

Хулоса ўрнида Экологик соф муҳитни сақлаб қолиш учун халқаро тажрибаларни ўрганиб чиққан ҳолда миллий тизимни мустаҳкамлаш ва экологик соҳада аҳолининг фаоллигини ошириш ва ҳуқуқий таълимотини юксалтириш, шунингдек рағбатлантиришни кўпайтириш лозим. Айтилганда Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Эко партиянинг соҳада сусткашлигини бартараф этиш учун Жамоатчилик фаоллигини ошириш керак бўлиб бормоқда. Шунингдек, иқтисодиёт ва бошқа тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланувчи шахсларга кўплаб имтиёзлар берилади, менимча бундай имтиёзлар берилишидан аввал улар томонидан албатта яшил ишлаб чиқариш, атроф табиий муҳитга зарар келтирмаслик ва бошқа экологик фаоллик шартлари ҳам қўйилиши лозим деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мохаммад С.А Тарихда халқаро экологик ҳуқуқ ретроспектив //ЕврАзЮж № 8 (39) 2011
2. Жевлаков Э.Н. Экологик жиноятлар (тушунчаси, турлари, малака) // М., 1997
3. Жураев Ю.А. Республиканинг экологик суверенитети масалалари Ўзбекистон // Фалсафа ва ҳуқуқ 2013, №2, -С.59.
4. Экология ҳуқуқи дарслик – Муаллифлар жамоаси //Тошкент 2017
5. Экологик ҳуқуқ дарслик – Шодиметов.Й Холмўминов.Ж //2015
6. Экология ҳуқуқи дарслик – ИИВ академияси Ж.Т.Холмўминов //2003

Электрон манбалар:

1. <https://lex.uz>
2. <https://eco.gov.uz>
3. <https://cyberleninka.ru>
4. <https://constitution.uz>